Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«5» декабрь 2014й.
64 - сонли рақам
билан руйхатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
_____ У. М. Мустафоев

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ

«HAMKORBANK»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

(Акциядорлик жамияти)

УСТАВИ

«Тасдиқланган»
Банк акциядорларининг 2014 йил
11- октябрдаги навбатдан ташқари
умумий йигилиши қарори билан

Йигилиш раиси

_____ И.И.Ибрагимов

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Банк сири тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунлари ва амалдаги бошқа қонунлари, қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари (кейинги ўринларда "Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари") асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда "Банк")нинг ташкил топиши ва фаолият юритиши тартибини белгилаб беради.

1.2. Банк 1991йил 1 сентябрда "Андижонбанк" АТБ номи билан ўз фаолиятини бошлаган. Акциядорлар умумий йиғилишининг 2000 йил 13 майдаги қарорига асосан Банк номи "Ҳамкорбанк" акциядорлик тижорат банки номига ўзгартирилган бўлиб, акциядорлик жамияти шаклида чекланмаган муддатга фаолият юрита бошлаган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда "Марказий банк") томонидан 2000 йил 24 июлда 64-сон билан рўйхатга олинган.

1.3. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва ўз Уставига амал қилади, уларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳамда ўз фаолиятига оид масалалар юзасидан ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади.

1.4. Банк юридик шахс ҳисобланиб, мустақил балансда ҳисобга олинган ўз мол-мулкига эга, ўз фаолиятини банк уставига мувофиқ, хўжалик ҳисобидан ўзини ўзи молиялаштириш ҳамда қонунда белгиланган тартибда жалб қилинган маблағлар асосида амалга оширади. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан қонунда белгиланган тартибда мулкий ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлади, уларни амалга оширади, мажбуриятларга эга бўлади ва уларни бажаради, судларда даъвогар ва жавобгар бўла олади.

1.5. Банк Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида банк фаолияти деб номланадиган қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш;
- қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш.

1.6. Банк ўз фаолиятини Марказий банкнинг лицензияси асосида олиб боради. Банк фаолиятининг муддати чегараланмаган.

1.7. Банкни ташкил қилишдан мақсад, банк фаолиятини амалга ошириш, шунингдек фойда олиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк фаолиятига доир хизматлар кўрсатиш, шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини шакллантириш ва чуқурлаштириш ҳамда барқарор молия-кредит тизимини барпо қилиш ҳисобланади.

1.8. Банкнинг тўлиқ номи:

- ўзбек тилида: Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки;

2. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

2.1. Банк ўз фаолиятида қуйидаги операцияларни амалга оширади:

- жисмоний ва юридик шасхларнинг шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- омонатларни жалб этиш;
- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;
- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- пул маблағларини, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- учунчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш хуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматини кўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- молиявий лизингни амалга ошириш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

Марказий Банкнинг чет эл валютаси билан ишлаш бўйича лицензияси мавжуд бўлган тақдирда:

- очиқ валюта мавқеи лимити доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан хосила молиявий воситалар, ваколатли банклар ва ўз мижозлари билан, валюта биржалари орқали, шунингдек, халқаро бозорларида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда бошқа чет эл банкларида вакиллик ва бошқа ҳисобварақларига эга бўлиш;
- нақд чет эл валютасини, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахсларга сотиш ва улардан харид қилиш бўйича операцияларни ўтказиш учун айрибошлаш шохобчаларини (бўлинмаларини) очиш;

Банк қонунчилигига ҳамда халқаро банк амалиётларига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

2.2. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Банк операцияларини амалга ошириш ва пул маблағларини сақлаш учун Марказий банкда ва бошқа вакил банкларда вакиллик ҳисобварағи очади.

3. БАНКНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

3.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи, хизматлар учун комиссия тўловлари миқдорини мустақил белгилаш ва олиш;

- лотин алифбосида: Chet el kapitali ishtirokidagi «Hamkorbank» aksiyadorlik tijorat banki;
- рус тилида: Акционерно коммерческий банк «Hamkorbank» с участием иностранного капитала;
- инглиз тилида: Joint Stock Commercial Bank with Foreign Capital «Hamkorbank».

Банкнинг қисқартирилган номи:

- ўзбек тилида: «Hamkorbank» АТБ;
- лотин алифбосида «Hamkorbank» ATB;
- рус тилида: АКБ «Hamkorbank»;
- инглиз тилида: JSCB «Hamkorbank».

1.9. Банкнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, 170119, Бобур шох кўчаси-85 уй. Электрон почта манзили: muloqot@hamkorbank.uz.

1.10. Банк ўз номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Банк жойлашган ери кўрсатилган ҳамда давлат тилида тўлиқ номи ёзилган думалоқ мухрга, штампга, бланкаларга, ўз эмблемасига ва бошқа визуал ўзига хослигини белгиловчи воситаларга эгадир.

1.11. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Давлат ва унинг органлари банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек банк ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Банк қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли. Филиал Банкнинг Банк жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Банкнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган ҳамда Марказий Банкда рўйхатдан ўтиши керак бўлган Низом асосида иш юритади. Банкнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Банкнинг балансида ҳисобга олинади.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки рухсати асосида, филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.13. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.14. Халқаро Молия Корпорацияси (бундан кейин ХМК деб номланади) белгиланган тарзда Банкнинг акциядорлар рўйхатига киритилди. ХМК банкнинг акциядоридир.

1.15. Nederlandse Financierings-Maatschappij Voor Ontwikkelingslanden N.V. (бундан кейин ФМО деб номланади), белгиланган тарзда Банкнинг акциядорлар рўйхатига киритилди. ФМО банкнинг акциядоридир.

- Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб маркази ва бошқа ваколатли резидент банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлагандан кейин банк ихтиёрида қолган соф фойда ҳисобидан захира ва фондларни ташкил қилиш;
- шартнома асосида бошқа банклардан депозит ва кредит шаклида маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш;
- мижозлардан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни қонун ва шартномага асосан белгиланган тартибда талаб қилиш;
- кредитланаётган корхона ва ташкилотлардан ҳисоботлар, баланслар ва уларнинг тўлов кобилиятини, шунингдек берилаётган ва берилган кредитлар таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;
- тўлов мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли қонунчиликда белгиланган ҳолатларда корхона ва ташкилотларни банкрот деб эътироф этиш бўйича судга мурожаат қилиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ва ваколатхоналар ташкил қилиш, шунингдек, Марказий Банк рухсати билан хорижда шўъба банклар, филиаллар ва ваколатхоналар очиш;
- банк фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатларни ҳимоя қилиш учун уюшмалар, ассоциациялар ва бошқа бирлашмаларда иштирок этиши ҳамда қўшма дастурларни амалга ошириш;
- банк ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори, шакли, тизими ва тартибини мустақил белгилаш;
- узининг молиявий хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва уставда кўзда тутилган бошқа операция ва ҳаракатларни амалга ошириш.

3.3. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
- пул маблағлари захирасини ташкил қилиш бўйича Марказий банк талабларини бажаради ва ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилади;
- Марказий банк томонидан ўрнатилган миқдор ва тартибда банк активлари бўйича эхтимолий йўқотишлар бўйича зарарни қоплаш захирасини ташкил қилади;
- Марказий банкнинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича операцияларни бажаради;
- берилаётган кредитлар таъминоти бўйича гаровнинг етарлилигини (шу жумладан, мулк кўринишидаги гаровни), шунингдек бериладиган кафолатлар, ишончномалар ва мажбуриятномаларни ҳисобга олувчи ички меъёрий тартибни белгилайди;
- ўз фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий Банк томонидан ўрнатилган тартибда ошкор қилади;
- банкда ички аудит хизматини бўлишини таъминлайди;
- ўз мижозлари ҳамда вакил банкларнинг омонатлари, ҳисобварақлари операциялари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда махфийликни таъминлайди;
- амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

4. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ.

4.1. Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Банкнинг устав капитали банк мол-мулкининг банк кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.3. Банкнинг устав капитали миқдори, банк томонидан 440 000 000 (Тўрт юз қирқ миллион) дона жойлаштирилган ҳар бир акциянинг номинал қиймати 138 (Бир юз ўттиз саккиз) сўм бўлган банк акцияларидан иборат бўлиб, 60 720 000 000 (Олтмиш миллиард етти юз йигирма миллион) сўмни ташкил қилади.

4.4. Банк акцияларини жойлаштиришда ва банк акцияларини сотиб олишда улар учун тўловлар фақат пул маблағлари шаклида амалга оширилади. Банк устав капиталини шакллантиришда кредитга ва қарзга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан фойдаланиш мумкин эмас.

4.5. Банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирокига йўл қўйилмайди, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банклар ташкил этиш ҳоллари, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.7. Банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.8. Қўшимча акциялар эълон қилинган банк уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.

4.9. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки агар Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ банк Кенгашига бундай қарорлар қабул қилиш ваколати берилган бўлса Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.10. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.11. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда банк уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилади.

4.12. Банкнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

4.13. Банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат банкнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

4.14. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.15. Банкнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга кайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банкнинг устав капиталини кўпайтиришга йул қўйилмайди.

4.16. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.17. Банк устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори банк устав капиталининг банк уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан

ўтказиш санасида аниқланадиган, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

4.18. Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.19. Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

4.20. Банкнинг ўз маблағлари устав капиталидан, акциядорларнинг умумий йиғилиш қарори билан фойдадан ташкил топадиган захира фондидан, тақсимланмаган фойда ва бошқа фондлардан иборат.

4.21. Банк соф фойдасидан мажбурий ажратмалар ҳисобига устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда банк захира фондини ташкил қилади. Ҳар йилги ажратмалар, юқорида кўрсатилган 15 фоиз миқдорига етгунга қадар, соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг захира фонди банкнинг зарарлари урнини қоплаш, банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Банкнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

4.22. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мос равишда бошқа фондлар тузиш ва уларга банк фойдасидан ажратмалар тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

4.23. Банк фондларидан фойдаланиш Банк Кенгашининг қарори билан амалга оширилади. Банк фондларидан фойдаланиш тўғрисидаги банк Кенгаши қарорида, фонд маблағларини кайси давр ичида сарфлаш, фонд маблағлари миқдори, шу билан бирга фонд маблағларидан фойдаланишнинг бошқа шартлари кўрсатиб берилади.

4.24. Фондлардан фойдаланиш Банк Кенгашининг қарори билан белгилаб берилган миқдор ва аниқ мақсадлар доирасида Банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

5. БАНК АКЦИЯЛАРИ.

5.1. Банкнинг барча акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз ҳисобланади. Банк оддий акцияларни жойлаштириши шарт шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати банк устав капиталининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

5.2. Банкнинг жойлаштирилган акцияларининг сони 440 000 000 (Тўрт юз қирк миллион) дона бўлиб, шундан:

- Эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз акциялар сони 423 575 000 (Тўрт юз йигирма уч миллион беш юз етмиш беш минг) дона;
- Эгасининг номи ёзилган, имтиёзли, ҳужжатсиз акциялар сони 16 425 000 (ўн олти миллион тўрт юз йигирма беш минг) дона.

5.3. Банк битта акциясининг номинал қиймати 138 (Бир юз ўттиз саккиз) сўм.

5.4. Банкнинг устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар миқдори 75 000 000 (Етмиш беш миллион) дона ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

5.5. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ҳақли.
Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда қонунчилик талабларига мувофиқ ўтказилади.
Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли.

5.6. Банк томонидан Банкнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.7. Банкнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.
Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.8. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.
Банкнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.
Банкнинг устав фонди кўпайтирилаётганда Банкнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Банк акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.9. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни шу акциядорга тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли (келгусида имтиёзли ҳуқуқ) олиш ҳуқуқига эга.
Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Компания акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.
Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

6. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Банк акциядорлари:

а) банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

б) депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;

в) банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

г) банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

д) акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;

е) банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

ж) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

з) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда уз ҳуқукларини ҳимоя қилиш;

и) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

к) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

л) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғўрта қилиш ҳуқукига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

6.2. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, банк тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ банк мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

6.3. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар амалдаги қонунчилик ва ушбу уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банк уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

6.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

7. ФОЙДА ВА ДИВИДЕНДЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ.

7.1. Захира фондини шакллантириш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлардан ташқари банк соф фойдасини тақсимлаш масалаларида тўла хўжалик мустақиллигига эга. Банкнинг баланс ва соф фойдаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида ўрнатилган тартибга асосан аниқланади.

7.2. Барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлагандан кейин қолган соф фойда банк ихтиёрида бўлади ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан ва акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ банк захиралари ва фондларини тўлдиришга йўналтирилади, дивиденд кўринишида банк акциядорлари ўртасида тақсимланади ва бошқа мақсадларга сарфланади.

7.3. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.4. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

7.6. Дивидендлар банкнинг банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банк томонидан банкнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Эгаси ёки эгасининг ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра банк ихтиёрида қолади.

7.7. Ҳар бир имтиёзли акцияга унинг номинал қийматига нисбатан 40 фоиз миқдорида дивиденд тўланади.

7.8. Банк Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб беради.

7.9. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.10. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

7.11. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

8. БАНК КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ КОҒОЗЛАРИ.

8.1. Банк қонун ҳужжатларига ҳамда Банкнинг Уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

8.2. Банк мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

8.3. Банк томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Банк Кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

8.4. Банк томонидан Банк Кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

9. БАНКНИНГ КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ

9.1. Банкнинг кредит ресурслари қуйидаги маблағлар ҳисобидан шакллантирилади:

- банкнинг ўз маблағлари (бошқа юридик шахслар устав капиталидаги қўйилмалари ҳисобидан сотиб олинган асосий воситаларнинг қиймати ва бошқа иммобилизация қилинган маблағлардан ташқари);
- юридик шахсларнинг банкдаги ҳисобвараклардаги маблағлар;
- жисмоний шахсларнинг белгиланган муддатга ва талаб қилиб олингунга қадар жалб қилинган омонатлари;
- бошқа банклардан, шу жумладан халқаро молия институтларидан олинган кредитлар ва депозитлар;
- чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар (депозит ва жамғарма сертификатлари, корпоратив облигациялар ва бошқалар);
- тақсимланмаган фойдадан ажратилган махсус кредит фондлар ҳисобидан.
- банкнинг молия йили давомида тақсимланмаган фойдаси ҳам кредит ресурслари манбаи бўлиб ҳисобланади;
- Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан.

10. МИЖОЗЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШ.

10.1. Банк мижозлар ва вакил-банклар томонидан унга ишониб топширилган пул маблағларини ва бошқа қимматликларнинг сақланишини таъминлайди. Уларнинг бутлигига банкнинг барча мулки, унинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Уставга биноан шакллантирилган захира фондлари билан шунингдек, Марказий банк томонидан белгилаб берилган тартибда кўрилаётган банкнинг барқарор ҳолати ва ликвидлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар билан кафолатланади.

10.2. Банк Марказий банк ўрнатган нормативлар бўйича ўз балансининг таркибини тартибга солиш йўли билан ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўла ва ўз вақтида бажаришга доимо тайёрлигини таъминлаб туради.

10.3. Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибга асосан, банк томонидан жалб қилинган пул маблағларининг бир қисми мажбурий захира фондига депонентланади, шунингдек Марказий банк нормативлари ва қоидаларига асосан фондлар ва захиралар шакллантирилади.

10.4. Банкнинг барча ходимлари банк омонатлари, ҳисобварақлардаги операциялар, мижозлари ва вакиллари тўғрисидаги сирни сақлашга мажбурдирлар.

10.5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларининг ўзига, жиноий иш қўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов, прокуратура органларига, судларга қонунда белгиланган тартибда берилади. Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига қонунда белгиланган тартибда берилади.

10.6. Банкнинг мижозлар ва бошқа контрагентлар билан муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига биноан шартнома асосида олиб борилади.

10.7. Банк ўрнатилган қоидаларга биноан ўз мижозларига банкдаги ҳисобварақларига ва кредит операцияларига тегишли, шу жумладан ҳисобланган фоизлар, мукофотлар ва йиғимлар тўғрисидаги маълумотларни доимо етказиб туриш мажбуриятини олади.

11. БАНКНИ БОШҚАРИШ.

11.1. Қуйидагилар банкнинг бошқарув органлари ҳисобланадилар:

- Банк акциядорларининг умумий йиғилиши;
- Банк кузатув кенгаши (Банк Кенгаши);
- Банк Бошқаруви.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши.

11.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

11.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг функциялари, ваколатлари ва уни ўтказиш тартиби амалдаги қонунчилик ҳамда мазкур устав ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишишида тасдиқланган "Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида"ги низом билан белгиланади.

11.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) банкни қайта ташкил этиш;

в) банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Банк Кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг (агар ушбу қўмита банкда тузилган бўлса) сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) Бошқарув раисини сайлаш/тайинлаш ҳамда Банкнинг Бошқарув раиси ваколатини муддатидан илгари тугатиш;

е) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

ж) банкнинг устав капиталини камайтириш;

з) ўз акцияларини олиш;

и) банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
к) банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
л) банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
м) банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
н) Банк Кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
о) амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда акцияларни ва акцияларга айрибошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда имтиёзли олиш ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
п) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
с) амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган йирик битимлар ҳамда банкнинг аффилланган шахслари билан банк томонидан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
т) конун ҳужжатларига ва мазкур уставга кўра, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаш талаб қилинадиган ички ҳужжатларини тасдиқлаш;
у) конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш;
ф) Банк устав капиталини ошириши мақсадида қўшимча акцияларни чиқарилиши бўйича қарор қабул қилиш.

Банк устав капиталини ошириши мақсадида қўшимча акцияларни чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ банк Кенгашига бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк Кенгаши ва банк Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

11.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

- банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда банкнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар амалдаги қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

11.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йул қўйилмайди.

11.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

11.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин

шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

11.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз кун) олдин банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Юқоридагиларга қўшимча равишда ХМК ва ФМОга акциядорлар умумий йиғилиши ҳақида ёзма хабарнома (кун тартиби ва йиғилиш материаллари билан бирга) йиғилиш санасидан узоғи билан билан ўттиз кун олдин уларнинг тегишли манзилларига юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалаларни истисно қилганда, ХМК ва ФМО билан олдиндан келишмасдан туриб йиғилиш кун тартибига бошқа масалаларни киритиш ва муҳокама қилишга йўл қўйилмайди. Банк бошқаруви барча акциядорларга умумий йиғилиш ўтказиш санасидан 30 кун олдин аудиторлик молиявий ҳисоботларни тақдим этиши шарт, башарти мазкур ҳисоботларни маъқуллаш ёки қабул қилиш масалалари кун тартибига киритилган бўлса.

11.10. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

11.11. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

11.12. Банк тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Банк Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Банк Кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади. Банк Кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

11.13. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозга эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

11.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «банкнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно

11.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

11.16. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади. Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун банкнинг архивига топширилади.

11.17. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилади.

Банк Кенгаши (Банк Кузатув кенгаши).

11.18. Банк Кенгаши банк умумий фаолиятига раҳбарлик қилади ва қарорлар қабул қилади, қонунчиликда ва мазкур уставда акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Банк Кенгаши қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Банк Кенгаши тўғрисида"ги низомда белгиланган тартибда ўз фаолиятини юритади.

11.19. Банк Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан ушбу устав 11.12-бандининг учинчи хат бошида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- банк устави 11.4.-бандининг «а» кичик бандида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни банк Бошқарувидан олиш. Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- банкнинг шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банк Кенгаши ваколатига кирадиган йирик битимлар ҳамда банкнинг аффилланган шахслари билан банк томонидан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ҳамда агар Акциядорлар умумий йгилиши томонидан қўшимча акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқи Банк Кенгашига берилган бўлса, бундай қарор қабул қилиш, шунингдек банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- банк Бошқарувини тузиш, бошқарув аъзоларини тайинлаш (Бошқарув раиси бундан мустасно) ҳамда банк Бошқаруви аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш.

Банк Кенгашининг ваколат доирасига амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин. Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун банкнинг банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

11.20. Банк Кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик, банк уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банк бошқаруви аъзолари ва раиси Банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айнан шу банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Банк Кенгаши 9 (тўққиз) кишидан иборат аъзоларидан ташкил топади. Банк Кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. ХМК ёки ФМО банкнинг барча овоз берувчи акцияларининг камида 1 фоизига эгалик қилаётган бўлса банк Кенгашига 1 нафар кенгаш аъзолигига номзод ёки Кенгаш йигилишида овоз бериш хукукига эга булмаган кузатувчи кўрсатишга ҳақли.

11.21. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ХМК ва ФМО исталган вақтда ўзларининг банқ кенгашига тавсия қилган номзодларини алмаштириш ҳуқуқига эга. Агарда ХМК ва/ёки ФМОлар томонидан банк кенгаши аъзолигига киритилган номзодлар истеъфога, пенсияга ёки меҳнат таътилига чиқса, ушбу номзодни тавсия қилган инвестор бошқа номзодни қўйиш ҳуқуқига эга.

11.22. Банк кенгаши таркибида кенгаш аъзолари орасидан сайланган қуйидаги қўмиталар тузилади: (i) аудит ва рискларни бошқариш қўмитаси; (ii) тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси; ва (iii) стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва корпоратив бошқарув қўмитаси.

11.23. Ҳар бир Кенгаш аъзосига Кенгаш аъзоси сифатидаги фаолиятида ёки лавозимида килинган ҳар қандай чиқим (харажат)ларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк томонидан қопланиши шарт. Акциядорлар умумий йиғилишига, Кенгаш ва қўмита йиғилишларига иштирок этиш билан боғлиқ бўлган ХМК ва ФМОларнинг вакиллари томонидан қилинган асосли ҳаражатлар қонунчиликда белгиланган тартибда банк томонидан қопланади.

11.24. Миноритар акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш мақсадида Кенгаш аъзоларининг камида 3 (уч)таси банк билан моддий муносабатларга киришмаган, ҳамда унинг акциядори бўлмаган мустақил кенгаш аъзоларидан иборат бўлиши лозим.

Мустақил кенгаш аъзолари қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:

- банкни аффилланган шахси ҳисобланмаган ҳамда шундай аффилланган шахсларнинг аффилланган шахси бўлмаган;
- банкни йирик контрагенти бўлмаган (йирик контрагент деб у билан банк ўртасидаги бир йиллик битимлар умумий ҳажми банк активлари баланс қийматининг 10 (ўн) ва ундан ортиқ фоизини ташкил қилувчи шахс ҳисобланади);
- Банк Кенгаши аъзоси сифатида олган даромадидан ташқари йиллик даромадининг 10 (ўн) ва ундан ортиқ фоиз қисмига тенг миқдорда мулкка (пул маблағларига) эгалик қилишига олиб келиши мумкин бўлган банк мажбуриятлари бўйича битимларда иштирокчи бўлмаган;
- банк ва унинг филиаллари томонидан сезиларли молиялаштириладиган нотижорат ташкилотларининг аъзоси бўлмаган;
- банк акцияларига оид опционларда ёки банк ва унинг филиалларининг пенсия дастурида қатнашмаётган;
- банк ва унинг филиалларида моддий манфаатдор бўлмаган (ёки бевосита шундай манфаатдор шахснинг ҳамкори, акциядори, директори, бошлиғи ёки катта ходими кўринишида);
- юқорида санаб ўтилган талабларга жавоб бермаган шахсларнинг оила аъзолари ёки бундай юридик шахсларнинг раҳбарлари бўлмаган;
- банк билан хеч қандай бевосита ёки билвосита мулкий муносабатларга киришмаган шахс, кенгаш аъзоси сифатидаги муносабатлар бундан мустасно;
- банк акциядорларига таркатилган банкнинг йиллик ҳисоботида мустақил кенгаш аъзоси сифатида кўрсатилган;
- банк Бошқарувида ун йилдан ортиқ иштирок этмаган;
- Охирги 5 (беш) йил ичида:
  - банк ва унинг филиалларида ходим сифатида меҳнат қилмаган, банк ва унинг филиаллари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатмаган;
  - банкдан кенгаш аъзоси сифатида олган даромадидан ташқари бошқа даромад олмаган, банкдан олган даромадлари унинг йиллик даромадининг катта қисмини ташкил қилмаган бўлиши.

111.25. Қуйидагилар Банк Кенгашининг мажбуриятлари ҳисобланади:
- ўз ваколатларини акциядорлар манфаатлари йўлида амалга ошириш;
- банк раҳбарлигида омилкорликни таъминлаш;
- банк фаолиятининг стратегиясини шакллантириш;
- банк бизнес режасини бажарилишини назорат қилиш;
- банкнинг малакали ички аудит хизматини яратиш;
- омонатчилар ва акциядорларни ҳимоя қилиш мақсадида банк фаолиятини, шу жумладан кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш;
- банк капиталининг бир текис ўсиб туришини таъминлаб туриш;
- банк сиёсатини ишлаб чиқиш;
- қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш.

111.26. Банк Кенгашининг раиси, унинг ўринбосари, Банк Кенгаши таркибидаги қўмита аъзолари ва раислари Банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Банк Кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Банк Кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Банк Кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Банк Кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк Кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

11.27. Кенгаш йиғилишлари йиллик жадвал асосида молия йилининг ҳар чорагида камида бир маротаба чақирилади. Банк Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши Банк Кенгаши раисининг ташаббуси билан, Банк Кенгашининг аъзолари талаби билан, банк тафтиш комиссиясиниг ёки банк ички аудитининг, банк бошқарувининг, Марказий банкнинг талаби билан чақиртирилиши мумкин. Банк Кенгаши йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби Банк Кенгаши тўғрисидаги низомда ва мазкур Уставда белгилаб берилади. Банк Кенгаши йиғилишида банк бошқарувининг раиси, унинг ўринбосари ва бошқарув аъзолари маслаҳат овоз бериш ҳуқуқи билан катнашишлари мумкин.

11.28. Банк Кенгаши аъзоси Банк Кенгашининг мажлисларида шахсан катнашишга ҳақлидир, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиқиши, банк фаолияти натижалари тўғрисида тўла ва ишончли ахборотлар олишни таъминлаш, ривожланиш тўғрисидаги режаларни олиш, Банк Кенгашида ишлагани учун пул мукофоти олиши мумкин. Банк Кенгаши аъзоларини мукофотлаш ва компенсация тўлаш миқдори, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Банк Кенгаши раиси функцияларини кенгаш аъзолари ўртасида тақсимлайди.

11.29. Банк Кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банк Кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Банк Кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Банк Кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек банк Бошқаруви раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.30. Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Банк Кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи амалдаги қонунчилик ва банк уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Ушбу уставнинг 4.7 ва 4.9- бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Банк Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

11.31. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, Банк Кенгаш аъзоларининг, шу жумладан мустақил Кенгаш аъзоларининг малакали кўпчилик овози (75 фоизи дан кам бўлмаган) билан маъқулланмасдан туриб қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли эмас:

- Ўзаро алоқадор шахслар билан (А) банк капиталининг 2,5 фоизидан юқори бўлган битим, келишув ва шартномалар тузиш ёки (В) муддати 1 йилдан кам бўлган ҳар қандай бошқа номоддий келишувларини, мустақил тараф принциплари асосида тузиш;
- Банк Бизнес режасини ёки бюджетини маъқуллаш ёки ўзгартириш;
- Стандарт банк операцияларидан четга чиқувчи Республикадаги ҳар қандай инвестициялар ва транзакцияларда қатнашиш.

11.32. Банк Кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк Кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Банк Кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлиб колган тақдирда Банк Кенгаши раисининг орвози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11.33. Банк Кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк Кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.34. Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Қарор лойҳаларини, қарор қабул қилишга оид материалларни Кенгаш аъзоларига уларнинг тегишли манзилларига юборилмаган ҳамда улар томонидан ёзма равишда мақулланмаган бўлса, Банк Кенгаши ва Кенгаш таркибидаги кўмита аъзолари томонидан қарорлар қабул қилиниши мумкин эмас.

Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни банк Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банк Кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот банк Бошқарувига Банк Кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

Банк Бошқаруви.

III.35. Банк Бошқаруви банкнинг Бошқаруви ҳисобланади. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш банк Бошқаруви томонидан қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Банк Бошқаруви тўғрисида»ги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бошқарув раисининг раҳбарлигида банкнинг жорий фаолиятини бошқаришни амалга оширади.

III.36. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари, банкнинг кундалик фаолиятига тегишли барча масалалар банк бошқаруви ваколатига киради. Банк Бошқаруви акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

III.37. Банк Бошқаруви:

- банк ривожланишининг асосий йўналишларини, стратегиясини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Банк Кенгашига олиб чиқади;
- банк фаолиятига оператив раҳбарликни ташкил қилади ва амалга оширади, шунингдек акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;
- ўз ваколати доирасида банк номидан иш кўради ва акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши олдида ҳисобдордир;
- банк уставига биноан акциядорлар умумий йиғилишида ёки Банк Кенгашида муҳокама қилиниши шарт бўлган масалаларни дастлаб кўриб чиқади ва улар бўйича зарурий материаллар, таклифлар ва қарор лойиҳасини тайёрлайди;
- банкнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- банкнинг таркибий бўлинмалари, унинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарлик фаолиятига доир масалаларни ҳал қилади;
- банкда Ўзбекистон Республикаси қонунларига амал қилинишини назорат қилади;
- банк мажбуриятларини бериш, пул-ҳисоб ҳужжатлари ва ёзишмаларни имзолашнинг тартиби ва шартларини белгилайди;
- банкнинг ҳисоб сиёсатини, ҳисоб ва ҳисоботларини ташкил қилиш масалаларини белгилайди;
- банкнинг бюджетини бизнес-режасини ишлаб чиқишни ташкил қилади;
- банкнинг молиявий хизматлар бозорида амалга ошираётган битим ва операциялар ривожланишнинг истиқболли йўналишларининг таҳлилини амалга оширади;
- банкнинг актив ва пассив операциялар бўйича фоиз ставкаларини оператив тартибга солади;
- хизмат ва лавозим йўриқномалари лойиҳаларини кўриб чиқади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мазкур устав, акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши ваколати доирасида тасдиқланиши керак бўлган ички ҳужжатлардан ташқари, банк фаолиятига доир ички ҳужжатларни (низомлар, тартиблар, қоидалар, услубий қўлланмалар, регламентлар, тарифлар ва бошқалар) кўриб чиқади ва тасдиқлайди;
- банк операцияларини амалга ошириш, ички назорат, банклараро шартномалар тузиш ва банк фаолиятининг бошқа асосий масалаларини ҳал қилади;
- кредит шартномалари, шунингдек банк мижозларининг актив ва пассив операциялари бўйича дифференцияланган фоиз ставкаларини ўрнатади;
- кадрларни танлаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилади;
- Бошқарув раиси томонидан тасдиқланиши учун банк ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, меҳнат меъёрларини ишлаб чиқади;
- банкнинг тижорат сири ҳисобланган ахборотлар рўйхатини аниқлайди ва уни сақланишини таъминлайди;
- банкнинг тижорат сири ҳисобланган ахборотлари билан ишлаш тартибини тасдиқлайди ва тартибни бузганлик учун жавобгарликни белгилаб беради;
- банк фондлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва Банк Кенгаши муҳокамасига олиб чиқади;
- банк фаолияти натижаларини мунтазам кўриб боради, банк Бошқаруви раисининг, таркибий бўлинма раҳбарлари ва ишчи гуруҳларининг ҳисоботларини тинглайди;
- банкнинг жорий ҳолати ва ривожланиши истиқболлари тўғрисида Банк Кенгаши олдида ҳисобот беради;
- ички назоратнинг самарадорлиги натижаларини даврий баҳолаб боради ва материалларини кўриб чиқади;
- ички назорат томонидан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф қилиш чоралари устидан назорат қилиш тизимини яратади;
- Банк Кенгашининг ваколат доирасига кирмайдиган банк фаолиятининг алоҳида йўналишлари ва масалалари бўйича қарорлар қабул қилувчи қўмиталар, комиссиялар каби коллегиал органларни тузади ва тарқатиб юборади;
- ички назоратни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш чоралари бўйича ҳужжатларни тайёрлайди ва Банк Кенгаши билан муҳокама қилади;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари, банк фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади ва ҳал қилади.

11.38. Банкнинг Бошқарувини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш (Бошқарув раҳбари бундан мустасно) Банк Кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Бошқарув раисининг, банк бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, банк уставида ҳамда уларнинг ҳар бири банк билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома банк номидан Банк Кенгашининг раиси ёки Кенгаш ваколат берган шахс томонидан ҳамда қонунчиликка мувофиқ тарзда имзоланади.

11.39. Банк бошқаруви беш кишидан иборат. Бошқарув аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.40. Банкнинг Бошқарув раиси банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, банк номидан битимлар тузади, банкнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

11.41. Банк бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Банк бошқаруви мажлисининг баённомаси Банк Кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) аъзолари талабига кўра уларга берилади.

Банк бошқаруви мажлисларини ўтказишни бошқарув раиси ташкил этади, у банк номидан барча ҳужжатларни ҳамда банк бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, банкнинг бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ банк номидан ишончномасиз иш юритади.

11.42. Банк бошқарувининг йиғилиши зарурий ҳолатларда чақирилади, лекин бир ойда камида бир марта ўтказилиши керак. Банк бошқарувининг мажлисини банк бошқарувининг раиси ёки муҳокама қилинаётган масалага караб, унинг ўринбосарларидан бири олиб боради. Банк бошқарувининг қарори бошқарув раисининг буйруғига асосан ижро қилинади.

Банк Кенгаши аъзоларининг, банк бошқаруви раисининг ҳамда банк бошқаруви аъзоларининг жавобгарлиги.

11.43. Банк Кенгашининг аъзолари, банк бошқаруви раиси ва бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Агар ушбу қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

11.44. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

11.45. Банк ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) банкка етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Банк Кенгаши аъзоси, бошқаруви раиси ёки бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

12. БАНК ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ.

12.1. Банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, амалдаги қонунчиликка, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда олиб борилади. Молиявий ва бошқа ҳисоботлар хажми ва тартиби Марказий банкнинг тавсияларига мос равишда тайёрланади.

12.2. Банк фаолиятининг натижалари Марказий банкка тақдим этиладиган ойлик, чораклик ва йиллик баланс ҳисоботларида, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботларида акс этади. Йиллик баланс фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот Акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланади.

12.3. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланади.

Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай банкнинг кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланади.

12.4. Банк Марказий банк томонидан ўрнатилган муддатларда ва шаклларда ўз молиявий ҳисоботларидаги маълумотлар тафтиш комиссияси ва мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тўғрилиги ва ишончлилиги тасдиқланганидан кейин чоп этади.

12.5. Банкнинг молиявий (ҳисобот) йили 1 январдан бошланиб 31 декабрда тугайди.

12.6. Банк давлат органларига солиққа тортиш ва иқтисодий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш умумдавлат тизимини олиб бориш учун зарур бўлган ахборотларни тақдим этади.

13.БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАФТИШ ҚИЛИШ ВА ТЕКШИРИШ.

13.1. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш Банк тафтиш комиссияси томонидан қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Тафтиш комиссияси тўгрисида» ги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади, унинг таркибига Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларини шунингдек, банкда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахсларни киритиш мумкин эмас.

13.2. Банк Тафтиш комиссияси банк акциядорлари томонидан 1 йил муддатга акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Банк Тафтиш комиссияси 5 кишидан иборат бўлади.

13.3. Айни бир шахс айни бир банкнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

13.4. Банк тафтиш комиссиясининг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

13.5. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

13.6. Банк Тафтиш комиссиянинг талабига кўра банк бошқарув органларининг мансабдор шахслари Тафтиш комиссиясига банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар.

13.7. Тафтиш натижаларига кўра банк ёки унинг омонатчилари манфаатларига хавф мавжуд бўлган ҳолатлари ёки банкнинг мансабдор шахслари томонидан лавозимларини суистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда, Тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилади.

13.8. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра банкнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

- банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

13.9. Тафтиш комиссияси банк акциядорлар умумий йиғилишига ўтказилган тафтиш бўйича ҳисоботни тақдим этади, шунингдек тасдиқлаш учун берилган баланс ва фойда ҳамда зарар бўйича ҳисоботларни банкдаги ҳақиқий ҳолатга тўғри келганлиги ҳақида хулоса ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тавсиялар беради.

13.10. Тафтиш комиссиясининг расман ҳужжатлаштирилган текширув натижалари банк бошқарувининг тегишли органига кўриб чиқиш учун юборилади, шунингдек, чора кўриш учун банкнинг ижро органига ҳам юборилади.

13.11. Банк Кенгаши Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибга, Марказий банк талабларига ва банк бошқарув органлари қарорлари бўйича ҳаракат қилувчи Ички аудит хизматини шакллантиради. Банк Кенгаши ички аудит тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди.

13.12. Банкнинг ички аудит хизмати банкнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали банк Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

13.13. Ички аудит хизмати Банк Кенгашига ҳисобдордир.

13.14. Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларини текшириш ва тўғрилигини тасдиқлаш учун Банк ҳар йили Банк ёки унинг иштирокчилари билан мулкий манфаатдор бўлмаган проффессионал аудиторлик ташкилотини (ташки аудит) жалб этади.

13.15. Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос равишда, аудиторлик ташкилоти билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

13.16. Аудиторлик текширувларини ўтказишдан мақсад, қуйидагилар ҳақида аудиторларнинг ҳолис фикрларини олиш ҳисобланади:

- банкнинг молиявий ҳисоботларининг тўғрилиги ва уларни Миллий ва Халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мос келиши;

- ички назорат тизимини ташкил этиш ва ички назорат қоидаларига риоя қилиниши;
- банк томонидан банк қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига риоя қилиниши;
- банк томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг самарадорлигини ва унинг молиявий фаолиятига (сиёсатига), бухгалтерия ҳисобига ва меъёрий назорат тизимига мос келишини.

13.17. Аудиторлик хулосаси белгиланган тартибда Марказий банкка тақдим этилади.

14.БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ.

14.1. Банкни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.
Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан банк қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида кайта ташкил этиш мустасно.

14.2. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай банк ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор банкдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

- қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш банк томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;
- бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш банк томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

14.3. Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган банк қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан, шунингдек у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

Банкни тугатиш.

14.4. Банк қуйидаги ҳолларда ўз фаолиятини тугатади:

- акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра;
- Марказий банк лицензияни чақириб олганида;
- банкрот деб эълон қилинганида.

14.5. Банк ихтиёрий равишда тугатилаётган тақдирда, Банк Кенгаши банкни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

14.6. Банкнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда банк фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

14.7. Ихтиёрий равишда тугатилаётган банк акциядорларининг умумий йиғилиши банкни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

14.8. Банк суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14.9. Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан банк ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган банк номидан судда иштирок этади.

14.10. Тугатувчи банкнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат банкнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

14.11. Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб банк кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки акциядорлар ўртасида тақсимланади.

14.12. Тугатилаётган банкнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

- биринчи навбатда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;
- иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва мазкур уставда имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;
- учинчи навбатда тугатилаётган банкнинг мол-мулкини оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

14.13. Банк тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўловлар тугатувчи томонидан белгиланган тугатиш қиймати бўйича амалга оширилади. Имтиёзли акцияларнинг тугатиш қиймати қатъий пул суммасида белгиланади ва ушбу қиймат оддий акцияларга тўғри келадиган тугатиш қийматидан кам бўлмаслиги керак.

14.14. Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини банк хорижий валютага айирбошлаб беради.

14.15. Ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади.

«Hamkorbank» АТБ
Бошқарув Раиси **О.Ю.Туражанова**

"Хамкорбанк" ОАЛТБ
Саналган, варокланган ва тикилган
жами: 26 (Йигирма олти) варак
Бошкарув раиси:
Бош бухгалтер:
HAMKORBANK

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«19» июнь 2015 й.
64-1 - сонли рақам
билан рўйхатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
У.М.Мустафоев

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «HAMKORBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

Тасдиқланган»
2015 йил 06 июндаги банк
акциядорларининг навбатдаги
умумий йиғилиши
Йиғилиш раиси

И.И.Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки уставига киритилган ўзгартиришлар

1. ***Банк уставининг 4.3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

«Банкнинг устав капитали миқдори, банк томонидан 499 447 453 (Тўрт юз тўксон тўккиз миллион тўрт юз **кирк** етти минг тўрт юз эллик уч) дона жойлаштирилган ҳар бир акциянинг номинал қиймати 138 (Бир юз ўттиз саккиз) сўм бўлган банк акцияларидан иборат бўлиб, 68 923 748 514 (Олтмиш саккиз миллиард туккиз юз йигирма уч миллион етти юз кирк саккиз минг беш юз ун турт) сўмни ташкил қилади.»

2. ***Банк уставининг 5.2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

«Банкнинг жойлаштирилган акцияларининг сони 499 447 453 (Тўрт юз тўксон тўккиз миллион турт юз кирк етти минг турт юз эллик уч) дона бўлиб, шундан:

- Эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз акциялар сони 483 022 453 (Тўрт юз саксон уч миллион йигирма икки минг тўрт юз эллик уч) дона;
- Эгасининг номи ёзилган, имтиёзли, ҳужжатсиз акциялар сони 16 425 000 (Ўн олти миллион тўрт юз йигирма беш минг) дона. »

3. ***Банк Уставининг 5.4.-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

«Банкнинг устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар миқдори 15 552 547 (Ўн беш миллион беш юз эллик икки минг беш юз кирк етти) дона ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.»

«Hamkorbank» АТБ
Бошқаруви Раиси **О.Ю. Туражанова**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«2» ноября 2015 й.
64-2 - сонли рақам
билан рўйхатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
У.М.Мустафоев

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «HAMKORBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

Тасдиқланган»
2015 йил 30 сентябрдаги банк
Кенгашининг 10/1 сонли йиғилиши.
Йиғилиш раиси

И.И.Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки уставига киритилган ўзгартиришлар

1. ***Банк уставининг 4.3.-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
«Банкнинг устав капитали миқдори, банк томонидан 499 447 453 (Тўрт юз тўксон тўккиз миллион тўрт юз кирк етти минг тўрт юз эллик уч) дона жойлаштирилган ҳар бир акциянинг номинал қиймати 155 (Бир юз эллик беш) сўм бўлган банк акцияларидан иборат бўлиб, 77 414 355 215 (Етмиш етти миллиард тўрт юз ўн тўрт миллион уч юз эллик беш минг икки юз ўн беш) сўмни ташкил қилади.»

2. ***Банк уставининг 5.3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
Банк битта акциясининг номинал қиймати 155 (Бир юз эллик беш) сўм.

«Hamkorbank» АТБ
Бошқаруви Раиси в.в.б. **Н.А. Кадиров**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«21» июнь 2016 й.
64-3 - сонли рақам
билан рўйхатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
С.С.Ходжаев

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «HAMKORBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

«Тасдиқланган»
2016 йил 07 майдаги банк
акциядорлар умумий йиғилиши.
Йиғилиш раиси
И.И.Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки
уставига киритилган ўзгартиришлар

1. ***Банк уставининг 4.6.-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
«Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.»

2. ***Банк уставининг 4.7-банди ўз кучини йўқотди.***

3. ***Банк уставининг 4.8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
«Қўшимча акциялар фақат банк уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.»

4. ***Банк уставининг 4.12-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
«Банкнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.»

5. ***Банк уставининг 4.13-банди ўз кучини йўқотди.***

6. ***Банк уставининг 5.7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
«Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.»

7. ***Банк уставининг 7.7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
«Ҳар бир имтиёзли акцияга унинг номинал қийматига нисбатан 30 фоиз миқдорида дивиденд тўланади.»

8. ***Банк уставининг 7.10-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
«Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Республика Фонд Биржаси, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.»

9. ***Банк уставининг 11.4-бандининг «л» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
   л) «банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари хамда мақсадидан келиб чиққан ҳолда банкнинг ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.»

10. ***Банк уставининг 11.19-бандининг 21 кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
   - «Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қўшимча акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқи Банк Кенгашига берилган бўлса, бундай қарор қабул қилиш, шунингдек банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;»

11. ***Банк уставининг 11.39-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***
«Банк бошқаруви етти кишидан иборат. Бошқарув аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.»

«Hamkorbank» АТБ
Бошқаруви Раиси **Н.А. Кадиров**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«7» июль 2017 й.
64-4 - сонли рақам
билан рўйхатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
Т.А. Ишметов

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «HAMKORBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

«Тасдиқланган»
2017 йил 20 май кунги банк
Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши
Йиғилиш раиси

И.И.Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки уставига киритилган ўзгартиришлар

1. ***Банк уставининг 1.9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

Банкнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, 170119, Бобур шох кўчаси-85 уй. Электрон почта манзили: muloqot@hamkorbank.uz. Банк расмий веб-сайти: www.hamkorbank.uz»

2. ***Банк уставининг 5.9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни шу акциядорга тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли (келгусида имтиёзли ҳуқуқ) олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

3. ***Банк устави 6.1-бандини б) бўлими қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

Депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш.

4. ***Банк уставининг 6.4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

5. ***Банк уставининг 11.22-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:***

Банк кенгаши қошида тегишли масалалар, шу жумладан низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича Банк кенгаши аъзоларидан иборат қўмиталар ташкил этилади. Ушбу қўмиталар ўз фаолиятида Банк бошқаруви аъзолари, банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)ни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлари ташкил этишга ҳақлидир.

«Hamkorbank» АТБ
Бошқаруви Раиси **Н.А. Кадиров**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«19» октябрь 2018й.
64-5 - сонли рақам
билан рўйхатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
Т.А.Ишметов

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «HAMKORBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР МАТНИ

2018 йил 4 октябрдаги банк
акциядорларнинг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши томонидан
тасдиқланган

Банк Кенгаши Раиси

И.И.Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Банк уставининг 2.1-банддаги "молиявий лизингни амалга ошириш" деган сўзлар "молиявий лизинг" сўзларига ***ўзгартирилсин.***

2. Банк уставининг 2.1-банддаги "Марказий Банкнинг чет эл валютаси билан ишлаш бўйича лицензияси мавжуд бўлган тақдирда:

- очиқ валюта мавқеи лимити доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар, ваколатли банклар ва ўз мижозлари билан, валюта биржалари орқали, шунингдек халқаро бозорларида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда бошқа чет эл банкларида вакиллик ва бошқа ҳисобварақларига эга бўлиш;
- нақд чет эл валютасини, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахсларга сотиш ва улардан харид қилиш бўйича операцияларни ўтказиш учун айрибошлаш шохобчаларини (бўлинмаларини) очиш" деган сўзлар ***чиқариб ташлансин.***

3. Банк уставининг 2.1-банддаги "кафолатлар бериш;***" деган сўзлардан кейин қуйидаги таҳрирда янги хатбошилар қўшилсин:***

- халқаро банк амалиётига мувофиқ хорижий валютада кредитлар, депозитлар, жамғармалар ва бошқа шаклдаги маблағлар жалб этиш ва жойлаштириш ҳамда ўз маблағлари доирасида мижозлари фойдасига хорижий валютада кафолатлар бериш;
- қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш.

4. Банк уставининг 4.3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг устав капитали миқдори, банк томонидан 15 482 871 043 (Ўн беш миллиард тўрт юз саксон икки миллион саккиз юз етмиш бир минг қирқ уч) дона жойлаштирилган ҳар бир акциянинг номинал қиймати 5 (Беш) сўм бўлган банк акцияларидан иборат бўлиб, 77 414 355 215 (Етмиш етти миллиард тўрт юз ўн тўрт миллион уч юз эллик беш минг икки юз ўн беш) сўмни ташкил қилади.»

5. Банк уставининг 5.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг жойлаштирилган акцияларнинг сони 15 482 871 043 (Ўн беш миллиард тўрт юз саксон икки миллион саккиз юз етмиш бир минг қирқ уч) дона бўлиб шундан:

- Эгасининг номи ёзилган оддий, ҳужжатсиз акциялар сони 14 973 696 043 (Ўн тўрт миллиард тўққиз юз етмиш уч миллион олти юз тўқсон олти минг қирқ уч) дона;

- Эгасининг номи ёзилган имтиёзли, ҳужжатсиз акциялар сони 509 175 000 (Беш юз тўққиз миллион бир юз етмиш беш минг) дона.»

6. Банк уставининг 5.3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк битта акциясининг номинал қиймати 5 (Беш) сўм.»

7. Банк уставининг 5.4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар миқдори 4 994 474 530 (Тўрт миллиард тўққиз юз тўқсон тўрт миллион тўрт юз етмиш тўрт минг беш юз ўттиз) дона ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган акцияларни ташкил қилиб шундан:

- Эгасининг номи ёзилган оддий, ҳужжатсиз акциялар сони 4 830 224 530 (Тўрт миллиард саккиз юз ўттиз миллион икки юз йигирма тўрт минг беш юз ўттиз) дона;
- Эгасининг номи ёзилган имтиёзли, ҳужжатсиз акциялар сони 164 250 000 (Бир юз олтмиш тўрт миллион икки юз эллик минг) дона.»

8. Банк уставининг 11.10-бандни 2-хатбошиси қуйидагича янги таҳрирда қабул қилинсин:

“Банк Бошқаруви аъзолари ва раиси, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари, банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас.”

9. Банк уставининг 11.20-банди 3-хатбошиси қуйидагича янги таҳрирда қабул қилинсин:

Банк Кенгаши тўққиз кишидан иборат аъзоларидан ташкил топади. Камида бир фоиз овоз берувчи акцияларга эга бўлган акциядор томонидан акциядорлар умумий йиғилиши кун таритибига масала қўйишга ҳамда Банк Кенгаш аъзолигига ва тафтиш комиссияга уларни таркиб миқдоридан ортиб кетмайдиган ҳолда номзод беришга ҳақли.

10. Банк уставининг 11.23-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Банк кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланади. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади”.

11. Банк уставининг 11.38-банди қуйидагича янги таҳрирда баён қилинсин:

“Банкнинг Бошқарувини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, масалаларни ҳал этиш Банк Кенгашининг ваколат доирасида амалга оширилади. Банк Уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд

Банк Кенгашининг қарорига кўра Банк Бошқарувини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

Банк Бошқарувининг, бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча банк уставида ҳамда уларнинг ҳар бири банк билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома банк номидан Банк Кенгашининг раиси томонидан имзоланади. Банк Бошқаруви, Банк бошқарувининг раиси, ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг Банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Банкнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак."

12. Банк уставининг 11.39-банддаги "етти кишидан" деган сўзлар "беш кишидан" деб **ўзгартирилсин.**

13. Банк уставининг 13.2-банди қуйидагича янги таҳрирда баён қилинсин:

"Банк Тафтиш комиссияси банк акциядорлари томонидан 1 йил муддатга акциядорларнинг умумий йиғилишида қонунчиликда белгиланган тартибда сайланади. Банк Тафтиш комиссияси 5 кишидан иборат бўлади.

Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим."

«Hamkorbank» АТБ
Бошқаруви Раиси **Ж.И. Хасанов**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«7» Январь 2019 й.
64-6 - сонли рақам
билан рўйхатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
Т.А.Ишметов

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «HAMKORBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

«Тасдиқланган»
Банк Кенгаши йиғилишининг
2018 йил 13 декабрь кунги 40-сонли
баённига асосан

Банк Кенгаши Раиси

И.И.Ибрагимов

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2014 йил 5 декабрда 64-сон билан рўйхатга олинган Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки уставига киритилган ўзгартиришлар

1. Банк уставининг 4.3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг устав капитали миқдори банк томонидан 20 477 345 573 (йигирма миллиард тўрт юз етмиш етти миллион уч юз қирқ беш минг беш юз етмиш уч) дона жойлаштирилган ҳар бир акциянинг номинал қиймати 5 (беш) сўм бўлган банк акцияларидан иборат бўлиб, 102 386 727 865 (бир юз икки миллиард уч юз саксон олти миллион етти юз йигирма етти минг саккиз юз олтмиш беш) сўмни ташкил қилади.»

2. Банк уставининг 5.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг жойлаштирилган акцияларининг сони 20 477 345 573 (йигирма миллиард тўрт юз етмиш етти миллион уч юз қирқ беш минг беш юз етмиш уч) дона бўлиб шундан:

- Эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз акциялар сони 19 803 920 573 (ўн тўққиз миллиард саккиз юз уч миллион тўққиз юз йигирма минг беш юз етмиш уч) дона:
- Эгасининг номи ёзилган, имтиёзли, ҳужжатсиз акциялар сони 673 425 000 (олти юз етмиш уч миллион тўрт юз йигирма беш минг) дона.»

3. Банк уставининг 5.4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар мавжуд эмас.»

«Hamkorbank» АТБ
Бошқарув раиси **Ж.И.Хасанов**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«5» март 2019й.
64-7 - сонли рақам
билан рўйҳатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари
Т.А.Ишметов

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «HAMKORBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

2019 йил 29 январдаги банк
акциядорларнинг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши томонидан
тасдиқланган

Банк Кенгаши Раиси

И.И.Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки уставига киритилган ўзгартиришлар

1. Банк уставининг 5.4-банди қуйидагича янги таҳрирда қабул қилинсин:

«Банкнинг устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар миқдори 1077620427 (бир миллиард етмиш етти миллион олти юз йигирма минг тўрт юз йигирма етти) дона оддий ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган акцияларни ташкил қилади.»

«Hamkorbank» АТБ
Бошқаруви Раиси **Ж.И. Хасанов**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«30» июль 2019й.
64-8 - сонли рақам
билан рўйҳатдан ўтди.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг ўринбосари
Б.Э. Захидов

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «HAMKORBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

2019 йил 15 июндаги банк
акциядорларнинг навбатдаги умумий
йиғилиши томонидан тасдиқланган

Банк Кенгаши Раиси

И.И. Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни

1. **Банк уставининг 6.1. бандига қуйидаги таҳрирда янги "м" кичик банд қўшилсин:**
Миноритар акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш имконини берувчи шарт-шароитлар яратишни банкнинг бошқарув органларидан талаб қилиш;

2. **Банк уставига қуйидаги таҳрирда янги 6.5. 6.6. бандлар қўшилсин:**
6.5. Банкнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Кузатув Кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
6.6. Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

3. **Банк уставининг 11.4. "Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:" бандига қуйидагича қўшимча киритилсин:**
х) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

4. **Банк уставининг 11.9. банди биринчи хатбошини биринчи жумласи қуйидагича янги таҳрирда қабул қилинсин:**
Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин Корпоратив ахборот ягона портали «openinfo.uz»да, жамиятнинг расмий веб-сайти «hamkorbank.uz»да ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

5. **Банк уставининг 11.10. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**
Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

6. **Банк уставининг 11.19. "Банк кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар киради" бандининг 12-хатбошига қуйидагича ўзгартириш киртилсин:**
"аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;"

7. **Банк уставининг 11.19. банди 27-хатбоши қуйидаги янги таҳрирда баён қилинсин:**
банк Бошқарувини тузиш, Бошқарув аъзоларини тайинлаш (Бошқарув раиси бундан мустасно) ҳамда банк Бошқаруви аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бошқарув аъзоларини тайинлаш чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади;

8. Банк уставининг 13.2. банди биринчи хатбошидаги “Банк Тафтиш комиссияси 5 кишидан иборат бўлади” деган сўзлар “Банк Тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат бўлади” деган сўзларига ўгартирилсин.

«Hamkorbank» АТБ
Бошқаруви Раиси **Ж.И. Хасанов**